





Оққан дарё оқаверади деганларидек, бу аъёна университетимиз олимлари томонидан изчил давом эттирилганини алоҳида таъкидлагим келадди. Жаҳон илм ахли эътироф этган элликка яқин ана шундай илмий мактаблар бугун ҳам турли фанлар ривожига баракали ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир.



Бугунги шароит ва муҳитни кўриб, тўғриси, яна талаба бўлгим келиб кетди. Айниқса, талабалар турар-жойларини кўриб хайратда қолдим. Шунчалар гўзал ва кўркем қилиб жиҳозланганки, чет элдаги меҳмонхоналарга ўхшайди.



Мундиални ҳамма орзу қилди, аммо бу ўзидан ўзи бўлмайди. Яна қайтараман, бунинг учун аввало, пойдевор бўлмоғи лозим. Бизда эса, бу нарасга энди-энди эришмоқдамиз.

Insonga naf keltirish — oliy baxt

# Ishonch

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.  
Ислон КАРИМОВ

2008-йил  
20-сентябр, шанба  
№116 (2529)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Газета 1991-йил 21-мартдан чиққа бoshлаган



Санъат фестивали

## Фестивалнинг шаҳар босқичи

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 2007 йил 21 августдаги «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан Тошкент шаҳар корхоналари, ташкилот ва муассасаларидаги бадий ҳаваскорлик жамоалари, умидли ижодкор ёшлар иштирокида В.Сивец номидagi «Авиасозлар» маданият саройида фестивалнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда агросаноат мажмуи, савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, соғлиқни сақлаш, таълим ва фан, «Узметмашсаноат» ходимлари касба уюшмалари шаҳар ташкилотлари, В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамиятида фаолият кўрсатаётган бадий ҳаваскорлик жамоалари, яққон ижрочилар — фестивалнинг тармоқлар миқёсидаги голиблари иштирок этишди. Фестивал мақом, миллий ва эстрада кўшичилиги, яққон чолғу, ансамбль ижрочилиги ва рақс санъати йўналишлари бўйича ўтказилди.



Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**  
**Қ.Р.Бердиевни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида**  
Қобул Раимович Бердиев Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тасдиқлансин ва шу муносабат билан у мудофаа вазирининг ўринбосари-Жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округи кўшинлари қўмондони вазирасидан озод этилсин.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2008 йил 17 сентябр

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**  
**Р.Э.Мирзаевни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири вазирасидан озод этиш тўғрисида**  
Руслан Эркинович Мирзаев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири вазирасидан озод этилсин.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2008 йил 17 сентябр



**Мухтарам юртбошимиз Ислон Каримовнинг «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорини ўқигач, бу кутлуғ даргоҳ юзлаб олимлар, шоиру адиблар қатори менинг тақдиримда ҳам ўчмас из қолдирганини эслаб, қалбим ғурурга тўлди.**

Эшлик йилларим ниҳоятда оғир кечган. Нафақат мен, балки биз мансуб бўлган бутун бир авлоднинг бошидан кечган кўргуликларни бошқа ҳеч қайси авлоднинг бошига солмасин дейман. Уруш йиллари қишлоқда яшаш жуда қийин бўлиб кетган эди. Шу боис, мен 1944 йили Бекободга келиб, металлургия заводи қурилишининг радиоузелида муҳбирлик қилганман. Дахшати уруш тугайли мактаблар ёпилиб, кўп билонлар госпиталга айлантирилган, ўқитувчиларнинг кўп қисми урушга жўнатилгани боис ўрта маълумот олиш муаммога айланган эди. Бусиз эса олий ўқув юртига кириб бўлмасди. Шуларни ҳисобга олиб, тайёрлов булимлари очилган. 10-синфни битиролмаган ёшлар 7-8 синф маълумоти бўлса, бир йил давомида экстрон тарзда 2-3 йиллик билимини олиб, имтиҳон топшириб, университетга кирар эдилар.

Уруш тугагач, ўқишга бўлган иштиёқ мени Тошкентга етказди. УЭМУ у даврда Урта Осиё давлат университети деб аталарди. Унинг биноси ҳозирги Амир Темури хўбони ёнида (юридик институт биносида) жойлашган эди. Мен тайёрлов булимини битирган пайтларимда шеър ёзиб, адабий машқлар қилиб юрардим. Филология факультетига ўқишга кириш иштиёқим эдим. Лекин бу факультетни битираётган дўстларимиздан бири — раҳматли Ғани Жаҳонгиров шундай деди:

— Утган йили шарқ факультети очилди. Бу жуда узоқни кўзлаб қилинган иш бўлди. Агар мен олдинроқ ўқишга кирмаганимда, шу факультетни танлаган бўлардим.

Ҳақиқатан ҳам, кейин маълум бўлишича, бу факультет раҳматли Усмон Юсуповнинг ҳаракатлари билан узоқни кўзлаб очилган экан. Уша кезлари Марказқўмада фан ва маданиятга мутасаддилик қилиб турган академик Ҳабиб Абдуллаев ҳам шарқшунослик факультетини очиб йўлда жуда кўп ҳаракат қилган экан. Уларнинг асил мақсади фондларда сақланаётган минглаб қўлёзмаларимизни ўқий оладиган ёшларни, шарқ мамлакатларида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш бўлганини кейинроқ англаб етдик.

1945 — 1946-йиллари университетдаги ҳаёт ҳам жуда оғир эди. Патта билан 500 грамм нон олардик. Ойлар давомида гўшт эмасдик. Баъзи баъзида талабалар ошхонасида сувда пиширилган ва озгина ёғда қовурилган макарон бериб қолишарди. Шу ҳам биз учун қувончли воқеа ҳисобланарди. Мана шу оғир ҳаёт натижасида озиб-тўзиб кетган эдик. Етоқхона ва аудиторияларимиз қишда иситилмас эди. Уша кезлари талабалар кам бўлганидан катта конференц-зал бизга ётоқхона қилиб берилган эди. 50 га яқин талаба битта хонада турардик. Икки томонида кириб-чиқадиган эшиги бор бу хонада кечаси деразаларга ақинроқ ётган йиғитлар ёпишган кўрпаларнинг четлари қиров босиб, оқариб қоларди. Шундай шароитда ўқиш учун келганларнинг бир қисми кўп ўтмай кетишга мажбур бўлар эди.

(Давоми 3-бетда)

## 2008 йил — Ёшлар йили

Учқудук шаҳри ўрнида бундан ярим аср аввал қум барханлари ястаниб ётгани ҳақида гапирсангиз кўпчилиكنинг ишонгиси келмайди. Ҳозир шаҳарда 39 минг киши яшайди. Ёшлар йилида навиқрон авлодни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 27 та оилга имтиёзли кредит, 15 тасига эса уй-жой қуриш учун ер ажратилди.

## Бахт шаҳрининг бахтиёр ёшлари

4 сентябр кўни туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси ва ижтимоий таъминот бўлими ташаббуси билан бирийўла бешта оиланинг никоҳ тўйи тантанали равишда ўтказилди. Энг номдор тўйхонада туман ФХДБ бўлими бошлиғи беш баҳодир куёв ва сулув келинчаларга никоҳ гувоҳномаларини топширигач, шод-у хуррамлик бошлиниб кетди. Ушбу унутилмас тадбирни туман ҳокими И.Умаров олиб борди.

— Талаб қандай бўлса, бурча ёндашуви ҳам шунга яраша бўларкан, — дейди ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи И.Эргашев. — Худудда ижтимоий таъминотни адолатли йўлга қўйиш, фуқаро манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилаёلمиз. Яқинда марказдан анча олисда бўлган «Олтинтов», «Мингбулоқ» хўжалиқларида уйма-уй юриб, фуқароларнинг яшаш тарзи билан қизиқдик. Натижада «Мингбулоқ» ширкат хўжалигидан 5 та, «Кўлқудук» ширкат хўжалигидан 6 та кам таъминланган оилга биттадан қорамол ажратилди.

Дарвоқе, муборак рамазон ойи ўтгач, маҳалла фаоллари туман ҳокими бошлаб берган ташаббусни давом эттирмоқчи: яна ўн та ёшнинг никоҳ тўйи ўтказиб берилди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

## Саноат хавфсизлиги йўлида...

Кеча пойтахтнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ўз ишини тугатган «Химоя чизиги — 2008» халқаро кўргазмаси Ўзбекистонда саноат хавфсизлигини таъминлаш борасида муҳим воқеа бўлди.

Маҳаллий ва хорижий мутахассислар, шунингдек, республикамизнинг ушбу муҳим муаммони ҳал қилишда мутасадди бўлган вазирилик ва идоралари, корхона ва фирмалари, касба уюшмалари вакиллари иштирок этган ушбу форум ва кўргазма доирасида саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси, авария ва фавқулодда ҳолатларда кўриладиган чоралар хусусида тажриба алмашилди.

Бу тадбирлар ташкилотчиси «Proffilen Co.LTD» ўзбек компанияси бўлиб, у «Химоя чизиги» савдо маркази билан хизмат кўрсатади.

Кўргазмада Европанинг етакчи ишлаб чиқарувчилари махсус пойабзал ва кийимлар, противогаз, пайвандчилар учун никоҳ, наушниклар, химоя кўзойнақлари ва бошқа воситаларни намойиш этдилар. Улар, шунингдек, яққон тартибдаги химоя воситалари бу соҳада жаҳонда етакчилик қилаётган Франция, Белгия, Германия, Тайван, Россия ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

— Бу воқеа кутган эдик, — дейди кўргазма иштирокчиси, «Узавтотеххизмат» ОАЖ меҳнат муҳофазаси етакчи мутахассиси Александр Ноғанёв. — Бизда фавқулодда ҳолатларда хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўпгина масалалар етилган эди. Ушбу форум ва кўргазмада кўплаб масалаларга жавоб топилди. Бу соҳадаги ишларни ривожлантириш бўйича вазибалар белгилаб олинди.

Григорий НИКОЛАЕВСКИЙ, «Ishonch» мухбири

# Тарих зарварақларидаги битиклар

**Д**орилфунун 1918 йили ташкил этилган бўлиб, дастлаб Мусулмон халқ дорилфунуни, 1918 — 1919-йилларда Туркистон халқ университети, 1919 — 1923-йилларда Туркистон давлат университети, 1923 — 1960-йилларда Урта Осиё давлат университети, 1960 — 2000-йилларда Тошкент давлат университети деб аталган.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 сентябрдаги «Тошкент давлат университетига Мирзо Улугбек номи бериш тўғрисида»ги қарорига биноан университетта Шарқнинг буюк олими ва мутафаккири Мирзо Улугбек (Мухаммад Тарағай Улугбек) номи берилган.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2000 йил 28 январдаги «Тошкент давлат университетида Ўзбекистон миллий университети мақоми бериш тўғрисида»ги фармони билан бу ўқув даргоҳи миллий университет мақомига эга бўлган ва бугунга қадар Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети деб аталмоқда.

**А**йни вақтда университетнинг таркибиде 13 та факультет (биология-тупроқшунослик, география, геология, журналистика, иктисодиёт, кимё, механика-математика, тарих, фалсафа, физика, хорижий филология, ўзбек филологияси, ҳуқуқшунослик), 95 та кафедра, 16 та илмий лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Олий педагогика институти, Амалий физика илмий текшириш институти, Олий адабиёт ҳамда Олий журналистика курслари, 2 та академик лицей, ўқув-амалиёт маркази, Ижтимоий тадқиқотлар маркази, Амалий экология ва Табиатдан унумли фойдаланиш марказлари ишлаб турибди.

**Р**еспубликамиз халқ ҳўжалигининг юқори маънавияти ва кўп қирралиликни таъминлаш мақсадида олинган ҳолда архившунослик, биоинформатика, биокимё, биофизика, генетика, геофизика, гидрогеология, геокимё, теология, фойдали қазилмалар конларини қидириш ва прогноزلash, картография ва кадастр, компютер лингвистикаси, манба шунослик, миллий истиқлол гоёси, ҳуқуқ ва маънавий асослари, музейшунослик, психология, сиб-сатшунослик, социология, экология каби бир қатор янги таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

**Ў**ЗМУ айни вақтда республика олий таълим тизимининг таянч олий ўқув юртига айланиб, барча олий мактаблар учун бакалавр босқичининг 34 йўналиши ва магистратура босқичининг 116 йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва ўқув дастурлари тайёрланиб, таълим жараёнига татбиқ этилди.

Аспирант ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ҳимоясини амалга ошириш мақсадида университетда 12 та, жумладан, 7 та докторлик ва 5 та номзодлик диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгашлар мавжуд. Сўнгги беш йил мобайнида уларда 185 та номзодлик, 36 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Улардан 3 нафари хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишидир. Университет ихтисослашган кенгашларида 79 та ихтисослик бўйича фан номзодлари ва 25 та ихтисослик бўйича фан докторлари тайёрланапти.

**А**хборот-ресурс марказида интернет тизимига уланган компютерлар хизмати ташкил этилган. Қўлбўйон фондиде 3 миллиондан ортиқ адабиётга эга. Мустақиллик йилларида чоп этилган ўқув адабиётларининг электрон нусхалари тайёрланиб, университетда жорий қилинган локал тармоқ тизимига узатилади. Университет профессор-ўқитувчилари илмий изланишлар борасида Москва, Санкт-Петербург давлат университетлари, Россия давлат гидрометеорология институти, Океанология институти, Омск давлат университети, Рязан шаҳридаги Ост-Лазер маркази ва бошқа нуфузли илмий муассасалар билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқда. Бундан ташқари, Франция, Белгия, Чехия, Хитой, Германиядаги қатор илмий муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатилган.

**Ў**тган йиллар мобайнида бу кутлуғ даргоҳда тахсил олган атоқли олимлардан 106 нафари академик даражасига эришган. Улардан 23 нафари Ўзбекистон фанлар академияси президенти ва вице-президенти бўлган. Олим аёллардан 113 нафари фан доктори ва профессор илмий унвонларига эга бўлишган.

Миллий университетда 2008 ўқув йилида 21 нафар академик, 225 фан доктори ва профессорлар, 600 фан номзоди ҳамда доцентлар, 211 катта ўқитувчи, 219 та ўқитувчи ва ассистентлар илм-фан сирларидан сабоқ беришмоқда. 19 та докторант, 220 та аспирант ва 156 та тадқиқотчи илмий тадқиқотлар олиб борапти.

Бакалаврият босқичида 46 йўналиш бўйича 10 мингга яқин, магистратура босқичида 115 ихтисослик бўйича 2 мингга яқин талаба тахсил олмақда. Бу йил университетни муваффақиятли тамомлаган 3400 дан ортиқ йигит-қиз (жумладан, 831 нафар магистр) диплом олиб, ишлаб чиқаришга йўл олди.

Мустақиллик йилларида 23 нафар талаба Президент стипендияси, 24 талаба Мирзо Улугбек номидаги ва 27 талаба Алишер Навоий номидаги стипендиялар соҳиби бўлган. Университетда «ЎЗМУ стипендияси» ҳамда ҳаёти давомида шу ўқув даргоҳида ёрқин из қолдирган атоқли олимлар — Тошмухаммад Саримсоқов, Обид Солиқов, Саъди Сирожиiddинов, Содик Азимов, Убай Орипов, Ҳабиб Абдуллаев, Фулом Каримов, Иброҳим Мўминов номидаги стипендиялар ташкил этилган. 2008 йилда иккидорли талабалардан 36 нафари Сулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлишган.

Азиза УСМОНОВА ва Сабоҳат ДУСЧАНОВА тайёрлади

# Тараққиётимизнинг



Фағуржон МУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон миллий университети ректори

**Маърифат бўстонида фидойи олимларнинг ўз мактабларини яратишлари гоёт муҳим жараён бўлиб, бу буюк аждодларимиздан меросдир. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби ўнлаб даҳо боболаримиздан мерос қолган илмий мактаблар бугунги кунда ҳам бутун дунё илм аҳли учун жуда қадридлир.**

Оққан дарё оқаверади деганларидек, бу аънава университетимиз олимлари томонидан изчил давом этирилганини алоҳида таъкидлаш керак. Жаҳон илм аҳли эътироф этган эллика яқин ана шундай илмий мактаблар бугун ҳам турли фанлар ривожига бароқали хисса қўшаётгани эътиборга молиқдир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсоннинг ўзи аввало ҳар жиҳатдан баркамол бўлмоғи шарт. Бу ўқувор гоё буюк аждодимиз Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласи» деган ўлмас фикрига ҳамоҳангдир. Бугунги авлод бу бетакрор фикрлардан қанчалик юксак маъно кашф этаётганини изоҳлашга ҳоҳат бўлмаса керак. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим шартларидан бири ҳам ҳар томонлама мукамал, замон талабларига мос ва узлуқсиз таълим тизими муносиб дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва ўқув-методик комплекслар яратиш ҳисобланади. Янги авлод адабиётини ҳисобланган бугунги дарсликларимиз — ўқув қўлланмалари, инновацион ва инвестицион лойиҳалар тараққиётимиз омилига айланishi шубҳасиз. Сўнгги беш йил давомида университетимиз олимлари томо-

нидан 60 га яқин дарслик, 350 дан ортиқ ўқув қўлланмалари, 200 га яқин ўқув-ўқувчи қўлланма нашр этилган. Бу олимларнинг бошқа ўқув юртининг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда таълим тизимининг барча босқичлари учун 200 дан ортиқ дарслик ва қўлланмалари chop қилинган.

Ўзбекистонда тобора равнақ топаётган маънавий ва маърифий муҳитда ЮНЕСКОнинг «Турғун тараққиёт йўлидаги таълим» концепцияси кенг қўллаб-қувватланади. Ушбу концепция гоёси ва мундариҳаси, айтилик, Россиядагидан

лида нашр қилинган, икки қисмдан иборат) ўқув қўлланмалари яратилгани кўпчиликлда қизиқиш уйғотди.

Ўқув масканимизнинг илмий салоҳияти тобора ортиб боришида ёш иқтидор эгаларининг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ёш олимларимиздан бир гуруҳи муддатидан илгари номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Бугун таълим тизимини илгор ахборот технологиялари, жумладан, компютерларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Механика-математика факультетида грант асосида

ялар билан жиҳозланган шинам хоналарда немис тилини чуқур ўрганиш учун барча шароитлар яратилган. Немисча китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ҳатто сўнгги русумдаги компютерлар ҳам Германиядан келтирилди.

Талабаларнинг маънан етук бўлиб камолга етиши йўлида университет Маънавият ва маърифат марказининг фаолияти эътиборга молиқдир. Бу ерда «Ёш сибсатчилар», «Ёш социологлар», «Ёш журналистлар», «Нотиклик» клублари уюштирилган иждоий кечалар, турли тадбирлар талабаларимиз маънавий дунёсини янада бойитиётган бўлса, Маданият саройида бир неча йилдан буюн фаолият кўрсатаётган «Шоввозлар» театр студияси уларнинг бўш пайтлари кўнглили ўтишига хизмат қилаётир. Иқтидорли йигит-қизлар ҳар йили республика олий ўқув юртлири талабаларининг «Кувноқлар ва зукколар» кўриқ-танловида фаол иштирок этмоқда.

Университетимизнинг 90 йиллик юбилейи ўқув масканимиз тарихи зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилади. Юбилей муносабати билан юксак савияда ташкил этилган «Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм-фани ривожига Ўзбекистон миллий университетининг роли» мавзусидаги халқаро илмий конференция ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси стадионида «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» шиори остида ўтказилаётган мамлакатимиз олий ўқув юртлири талабаларининг фестивали барча профессор-ўқитувчиларимиз ҳамда талабаларимиз ҳаётида ёрқин саҳифа бўлиб қолажак. Шунга муносиб илм ва маърифат масканига айланган университетимиз илм қарвони нури келажак, сари дадил одимлайверади.

# Илму маърифат сарчасимаси

фарқли ўларок, ҳозирча олий ўқув юртлири дастурлари ҳамда ўқув режаларига қиритилмаган бўлса-да, бу борада жараёнлар бошланган.

Турғун тараққиёт йўлидаги таълим концепцияси эзгу мақсадлар, яъни, улгайиб келаётган авлодининг мамлакат тараққиети учун зарур бўлган билимларни эгаллашга эришиш, уларни бугунги кунда инсоният олдида турган муаммоларини ҳал қилишга ўргатиш, таълим жараёнининг таъсирчанлигини ошириш, узлуқсизлигини таъминлаш, янги муносабатлар ва кадриятларни равнақ топтиришга йўналтирилган. Университетимизда турғун тараққиёт билан боғлиқ «Экология, ат-турғун-муҳит ҳимояси, турғун тараққиёт» (2001 йили ўзбек ва рус тилларида чоп этилган), «Турғун тараққиёт йўлидаги таълим» (2007 йили ўзбек тили

қўлга қиритилган сўнгги русумдаги компютерлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу замонавий жиҳозлар Германиядан келтирилган. Малакали магистрлар пухта билим эгаллаши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Айни вақтда ёш математиклар тажрибали устозлари билан бир қаторда янги лойиҳалар устида ишлашмоқда.

Дунё халқларини бирлаштирувчи қудратли восита тилдир! Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, бугун иқтидорли талабаларимиз орасида дунёвий тилларни пухта ўрганишга иштиёқ тобора ортиб бораёпти. Хорижий филология факультетида инглиз, француз, немис ва бошқа тиллар мукамал ўргатилмоқда. Яқинда бу факультетда алоҳида «Немис тилини ўрганиш маркази» ташкил этилди. Замонавий технологи-

# Университет — менинг ҳаётим

Ўзбекистон миллий университети нафақат республикамизда, балки минтақамизда ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси эканлиги ҳаммага маълум.

Шу сабабли бугунги кунда биология фанининг энг тез ривожланаётган биотехнология соҳасини чуқур ўрганиш мақсадида мактабни тамомлашим биланок ҳеч қилганим 1997 йили ЎЗМУ биология-тупроқшунослик факультетининг биология йўналишига ўқишга қирганман. 1999 йилда факультетимизнинг биотехнология ва микробиология кафедрасида етакчи олимларимиз раҳбарлигида илмий изланишларимни бошладим. 2001 йили университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, бакалавр даражасини олганман. Шу йили биокимё мутахассислиги бўйича факультетимиз магистратурасига қабул қилиндим ва кафедранинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ёрдамида илмий тадқиқотларимни давом эттирдим.

Таъкидлаш лозимки, университетимиз раҳбарияти томонидан иқтидорли талабаларга кўрсатилган эътибор ва устозларнинг меҳнати туфайли кўп ютуқларга эришдим. Жумладан, 1999 йили «ЎЗМУ стипендияси» совирдорини бўлдим. Магистратурада тахсил олган пайтимида эса магистрантлар ўртасида республикамизда илк бор ўтказилган танлов голиби — физика-математика ва кимё-биология йўналиши бўйича Президент стипендиясига сазовор бўлдим. Бу менга катта масъулият юкляди, ўз устимда янада кўпроқ ишлашим учун туртки бўлди. 2003 йили магистратура талабаларининг республика илмий конференциясида фаол қатнашиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландим. Уша йили IREX фонди томонидан веб-сайт асослари, 2004 йилда эса «World Concept» халқаро ташкилоти ўтказган илмий тили бўйича курсларни тугатиб, сер-

тификатлар олганман. Магистратурани имтиёзли диплом билан тугатиб, ЎЗФА микробиология институти аспирантурасига ўқишга қирдим. Ҳозирги пайтда институтининг «Физиология фаол бирикмалар биокимё ва биотехнологияси» лабораториясида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялари ривожлантириш иши




Мувофиқлаштириш кўмитаси ва STCU халқаро фондининг грантлари бўйича биология фанлари доктори Т.Фуломов раҳбарлигида тадқиқот олиб бораёман.

Мен дунёдаги нуфузли олий ўқув юртлири билан тенглаша оладиган кутлуғ даргоҳда тахсил олганимдан жуда бахтиёрман.

Эмине СЕЙДАМЕТОВА, Президент стипендиати

Университет — муқаддас маскан дейишарди. Мен бунга ўқишга қиргач, амин бўлдим. Бугун университет менинг иккинчи уйимга айланган. Барча қувончу ташвишларим шу муборақ даргоҳ билан боғлиқ тарзда рўй бермоқда.



Истиқлол йилларида мамлакатимиз ёшларига бўлган эътиборнинг ифодасини ЎЗМУ талабалари ҳаётида тўлиқ кўрдим десам, муболага қилмайман.

нимиз тарихининг мен учун номаълум бўлган қирраларини ўрганаёман. Ота-боболаримнинг ўтмишига қизиқмаган, уни билишга ҳаракат қилмаган фарзанд бўлмаса

# Муқаддас маскан

2005 йилда университетимиз талабаларининг турар-жойлари таъмирланиб, дунё стандартларига жаов берадиган ҳолда жиҳозланиб талабалар ихтиёрига топширилди.

Ўзбекистон миллий университети ватанимиз тарихида жуда катта аҳамият касб этади. У ташкил топганидан буюн юртимиз равнақи учун қанчадан-қанча кадрларни тайёрлаб берган.

Тарих факультетининг 4-босқичида тахсил олар эканман, ўтган давр мобайнида устозларимиздан вата-

керак. Ватан тарихини ўрганиш аслида шундан бошланади.

Президентимиз ташаббуси билан 2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилинди. Табиийки, бундан мақсад ёшларга қаратилаётган эътиборга янада чуқурроқ ургу беришидир. Бу эса порлоқ келажақнинг мустаҳкам пойдевори бўлади. Биз бу имкониятдан унумли фойдаланиб, халқимиз билдираётган ишонччи оқламоғимиз лозим.

Хурида РАПИЕВА, Тарих факультети талабаси

# Ёшлар маънавияти

— Ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитишда таълим ва тарбиянинг узвийлиги доимо долзарб аҳамият касб этган. Таълим ва тарбияни бирга қиладиган амалга ошириш борасида дорилфунунда қандай ишлар амалга оширилмоқда? — Аввало таълимни тарбиядан айри ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки ёшларнинг юксак маънавияти бўлиб етиши бевосита таълим жараёнининг тарбия билан узвийлигига асосланади. Университетимизда ўқув-тарбиявий ишларни маънавий-маърифий жараёнлар билан бирга олиб бориш юзасидан ўқув-меърий ҳужжатлар, айниқса, гуманитар ва ижтимоий фанларнинг дастурлари қайта кўриб чиқилди ва замон талаб-


рига мослаштирилди. Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари университетининг ҳар бир факультетида бириктирилган бўлиб, улар ўртасида доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундай ҳамкорлик факультетлар миқёсида ўтказиладиган турли учрашув ва суҳбатларнинг мазмунини янада бойитишга хизмат қилади. Зеро, талабаларни мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар моҳияти билан ақиндан таништириб бориш гоёт муҳим аҳамият касб этади. Муҳими, талабалар эгаллаётган мутахас-

сислигининг жамятдаги ўрнини кенгроқ англаб етмоқдалар. Ўқув йили давомида университетда қўллаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Кейинги йилларда тадбирларни таълим йўналиши ва мутахассислик мазмунига мослаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Айниқса, касб байрамлари, талабалар кунлари, турли акцияларни ўтказишда тадбирларга аввало

талабаларнинг истақ-хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди. Бу таълим жараёнининг тарбиявий аҳамиятини кенгроқ ёритишда самара бермоқда. Бугунги куннинг талабаси мустақил фикрлайдиган, замонавий ахборот технологияларидан хабардор, янгиликка ўч ёшлардир. Шундай экан, таълим ва тарбия жараёни ҳам талабанинг эҳтиёжини қондира оладиган маълумотлар билан бойитилиши ва такомиллаштирилиши зарур. Бу борада ўқув жараёнига янги педагогик технологияларнинг илгор услубларини жорий этиш, талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш ҳамда уларнинг иждоий қобилиятини юксалтиришга қаратилган турли анжуман, танлов ва мусобақаларнинг мунтазам ўтказиби борилаяпти.

— Университетда ўқув жараёнини янада яхши-





**Ўзбекистон футбол федерациясининг мажлислар залида ЎФФ президенти Мираброр Усмонов журналистлар ва жамоатчилик вакиллари билан расмий матбуот анжуманини ўтказди. Унда терма жамоа мураббийлари, ЎФФ президенти хузуридаги Мураббийлар кенгаши аъзолари, футбол мутахассислари, faxрий футболчилар, федерация ва профессионал футбол лигаси ходимлари иштирок этдилар.**

# Мустаҳкам пойдевор = мустаҳкам бино

Федерация раҳбари йигитлигининг сабабини қўйдиғача изоҳлади:  
— Кунга кеча давлатимиз раҳбари Ислам Каримов билан учрашиб, асосан футбол ҳақида суҳбатлашдик. Президентимиз ҳар қанча банд бўлмасин, футболимизнинг бугунги аҳолига беварқ эмаслигига яна бир бор амин бўлдим. Шу боис, бундан халқимизга ўтказиш керак.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг сўнги муваффақиятсиз ўйинларидан кейин мураббийлар штабида ўзгаришлар амалга ошириш, хусусан, хоржидан мураббий таклиф этиш борасида Мираброр Усмоновнинг фикри қуйидагича бўлди:

— Бош мураббий Рауф Инилевнинг ўзбек футболга қўшган ҳиссаси катта. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, хорижлик мутахассиснинг хизматларидан фойдаланиш ҳам ўз самарасини бериши мумкин. Лекин ҳозирги пайтда эмас. Чунки жамоамиз ҳал қилувчи саралаш босқичининг 2-турини ўйнаб бўлди. Қолаверса, хорижлик мураббий келиб, то бизнинг футбол билан танишиб чиққунча ҳам анча вақт ўтади. Биз ҳозирда шу масала юзасидан фикр юритмоқдамиз. Фақат Инилевга ёрдамчи-маслаҳатчи сифатида олиб келишимиз мумкин. 2010 йилги Жаҳон чемпионати биз учун хозирданқоқ армонга айландими, деган саволга жавоб берад экан, ЎФФ президенти кўпчилик учун қўтилмаган жавобни берди:

— Сир эмаски, футбол жамоатчилиги ҳозирги кунда жаҳон чемпионати оралиги билан

яшамоқда ва терма жамоамизнинг дастлабки икки турдаги натижаси кўпчиликнинг дилини хира қилди. Аммо менга айтилган, жаҳон чемпионатида чиқиш учун бизда пойдевор борми? Захирамизда истеъдодли ёшларнинг сони етарлими? Жаҳон талабларига жавоб берадиган стадионларимиз қанча? Мундиални ҳамма оради бўлмайди. Яна қайтараман, бунинг учун аввало, пойдевор бўлмоғи лозим. Бизда эса, бу нарсага энди-энди эришмоқдамиз. Ёш истеъдодларни тарбиялаш учун «Чигатой» спорт

базаси барпо этилди. Келажакда бу каби режаларимиз жуда бисёр. Насиб қилса, хали чикамиз жаҳон ареналарига. Шаҳсан мен бунга ишонман. Шунингдек, учрашув давомида миллий чемпионат ўйинларидagi хамаклик масаласи ҳам назардан четда қолмади.

— Шунчалик чора-тадбирларимиздан кейин ҳам хамакларнинг ўйинларини ноҳолис бошқариши ҳамон давом этиб келаётгани мени ташвишга солмоқда. Узоққа бормайлик, миллий чемпионатимизнинг ОТМК — «Пахтакор» учрашувида

Қаҳрамон Йўлдошевга 4 балл қўйилди. Бу нимани аниқлади? Демак, хамак бутун ўйин давомида бир жамоага ён босган ва ўша жамоа фойдасига қарор чиқарган. Бундай хамакларни бутунлай хамакликдан четлатиш керак, бир умр хамаклик останага яқинлаштирмаслик лозим. Акс ҳолда, барча ҳаракатларимиз пучга чиқади. Бугунги кунда ҳар бир ўйин учун хамакларга бир миллион сўм миқдорда пул белгиланган. Бу масалани кўриб чиқиб, шунингдек, ноҳолис хамаклик масаласини олдини олиш мақсадида келаси мавсумдан хамаклар оладиган пул миқдорини тўрт миллион сўмга кўтаришни кўзлабтизим.

Таъкидлаш лозимки, сўнги 2-3 йил ичида футболимиз атрофида кўп ва хўп гапирилди. Ҳар ким турли хил фикрларини билдирди. Аммо энди маррани белгилаб оладиган вақт келди. Юрида айтганимдек, асосийси пойдевор яратилмоқда. Энди маррани тўғри қўйиб, пишқир иш режаси асосида ишласак, мақсадимизга етамиз. Ҳозирда камиди 5 йиллик иш режасини тузиб чиқамиз. Бизнинг асосий мақсадимиз шунки жаҳон чемпионатида чиқиш эмас, балки келажакдаги бор ўсимлар ва ёшларни тарбиялаш ва шуларнинг авазига келажакки барпо этиш. Мен фахр билан тилга оламанки, бу борда бизнинг энг асосий таъинимиз бу давлатимиз раҳбарининг футболга бўлган эътибори. Бу ишончи, эътиборни амалда оқлаш керак, — деди Мираброр Усмонов.

### ЎФФ матбуот хизмати

## ЖЧ — 2010:



## Орзумиз — жар эмас, ЖАР!

ЎФФ веб-сайтида «Ўзбекистон терма жамоасининг лақаби қандай бўлишини истайсиз?» деган сўровнома ўтказилмоқда.

«Ок, Юлбарслар», «Ок, Бурилар», «Ок, Туплорлар», «Ок, қалдирғочлар», «Барслар», «Темурчилар», «Хиллол юлдузлари» каби ўндан ортиқ версиялар омма эътиборига ҳавола этилган. Ҳўш, термаимиз бу таърифларнинг қайси бирига мўноси?

Йўлбарс, бори, ёки туплор ёхуд қалдирғоч... Футболчиларимизнинг ҳаракатидан «характеристика» шу тиллоларга мос тушадиган деталларни излаб кўринг-чи?

Албатта, жамоага бирор лақаб танлаганда, унинг характери ва ўйини бош мезон бўлиши керак. Яна шунингдек, жамоа аъзолари бу таърифлардан қандайдир мансуда илҳом, кўн олиши керак.

Тан олиш керак, термаимиз ўйинчиларимизнинг индентивид маҳорати авазига эмас, жамоавий тарафда ҳаракат қилиши натижасида ютуққа эришадди. Демак, лақаб

ҳам шунга мўносиб бўлиши шарт. Футболчиларимизнинг ҳар биринида ҳужумга қўлб бериш ҳисси кўриниб туради. Қолаверса, терма жамоамиз ўз минақасини — Марказий Осиёда тенгасиз. Шу мунсабат билан бизга «Турон тўғони» таърифи мос тушади, деб ўйлайман. Бу термаимизнинг тўғондек

ли ва ҳавфли эканликлари билан ахрибли туришади. Демакки бўлганимиз, бизнинг лақабимиз маъносини бошқа тилларга таржима этишганда ҳам устимиздан истеъзо билан қўлиб юришмасин. «Шулар йўлбарсларми?», «Ёки уларнинг қайси бири бургига ўшайди?», «Туплорлар фақат югуришни биларкан-да-а?», Бировнинг таниқид билан фикрдан йироқимиз. Терма бош мураббийи Рауф Инилевга ҳам ишонма. У ақлли мураббий. Хорижлик мутахассисни ҳам қўрдик. Ҳеч бири қўйиллатиб ташлагани йўқ. Улар бизнинг ўйинчиларимизни ўрганиб чиққунча, ҳатто 2014 йилдаги жаҳон чемпионати ҳам ўтиб бўлади. Шунинг учун ундан мавжуд ўйинчиларимиздан, таърифи ва бориники, таърибасиз бўлса-да, ўйини бор, истеъдоди мавжуд ёшлардан оқилна фойдаланишни сўраймиз. Зеро, термада соғлом рақобат юзга келсин ва ҳар бир ўйинчи уни қайсидир жиҳати билан қўяйтирсин!

Акмал АБДИЕВ

## Лақаб шартми?

Шиддатли бўлишига ишора. «Turon tiloni» - инглизча ёзилиши ҳам осон ўйналди. Лақаби бошқа тилларга таржима этишганда ҳам масалан, рус тилига, беъшох таърифга дў келмаймиз: «Туронские тилони» ёки «Туронский урган».

Сервер Жапаров, Одил Аҳмедов, Александр Клецов, Валет Галиулин, Жасур Ҳасанов каби ҳужумкор ёшларимизга қўйсан термини: «Силосинлар» деб аташ ҳам мос тушиши мумкин. Чунки силосинлар унчалик йирқ бўлмас-да, кўн

# Йигитлар, сизларга қараб турибмиз



Бу онларни соғиндик...

Тўғриси, бундан ўн тўрт йил муқаддам Хиросимада бўлиб ўтган Осиё ўйинларида футболчиларимиз чемпионлик шохсупасига кўтарилишганда, кейинчалик ишлар бунақасига чаппасидан кетиши тушимизга ҳам кирмаганди. Билмасак, жуда нариси билан йигирма биринчи асрнинг дастлабки ўн йиллигининг бошлар жаҳон юлдузларини жамадан мундиал бизнинг иштирокчимизга ўтказиб қўйдиқ. Тўғриси, Осиё қилинган муддатнинг сақозинчи йилли ўятти ҳамки, хали ҳеч нарсадан дарак йўқ. Бу орада футболчилар авлоди бир неча бор алмашди. Қанча мураббийлар келиб кетди. Сўнда муҳлисларнинг «бизникилар арзанами пулга ўйнайди», деган гап-сўзлари барҳам тоғганига ҳам анча бўлди.

Узоққа бориб нима қилдик, июл ойининг ўрталарида Ўзбекистон футбол Федерациясида ташкил этилган учрашувида ЖЧ—2010 тўртинчи босқичига йўл олиш вазифасини уудалаганлиги учун мураббийлар штаби ва футболчиларга миннатдорлик билдирилиб, аввалиги босқичда қўлга киритилган ҳар бир галаба учун терма жамоага 80 миллион сўмдан берилди. Ва, албатта, жа

ҳон чемпионатида бевосита қатнашиш учун имконият эшикларини очадиган кейинги ўйинларда эришилган муваффақиятлар янада катта маблаг билан тақдирланиши айтиб ўтилдиким, ҳуллас, бу ёнига фақат эзгу мақсад йўлида ҳаракат қилишга қолган эди.

Биринчи қадам 6 сентябр кўни Қатар давлатида қўйилди. Минг афсус, муқофот пулларининг тахи бузилмади. Яъни, футболчиларимизнинг ўйини қовушмади, та-нафус чоғидаги йўл-йўриқлар ҳам, ўйинчи алмаштиришлар ҳам наф келтирмади. Яъниям сувдан қуруқ чиқиш учун баҳона, ваз-қорсон дегани бор. Иқлимдаги кескин тафовут ўз таъсирини ўтказганлигига уру берилди. Мана қўрасизлар, 10 сентябрда Австралия терма жамоаси билан Тошкентда бўладиган учрашувида бутунлай бошқача манзара шохидига айланувчан бўлди. Ким билсин, ўзимиз ҳам шундай фикрда бўлганимиз учун бахонидил ишондик.

Лекин яна ютказдик. Тўғри, йигитлар бу гал майдонда ёмон ҳаракат қилишмади. Ҳатто бир неча бор қўл вазиятга чиқишди, лекин натижа бўлмаган, бундан нима фойда?! Сен гол урмасан, сенга уришадди, деган таомилга яна рози бўлиб қолавердик. Қатарда дарвозамиздан урта тўп ўтказиб юборган эдик, бу гол бор-йўғи битта. Бу ҳам ўсиш-да! Балки 15 октябрда Японияда...

Унгача бир ойна вақт бор. У ён — бу ён тўрт ҳафта. Ниятларимизнинг мустаҳкам бўлиш-бўлмагани ҳеч бир муболағасиз ана шу фурсатдан қай даржада оқилна фойдаланишимизга боғлиқ. Ҳудо қўрсатмасин, агар таян ютказадиган бўлсак, бу биз учун «супра-ўқловингни йиғиштир»,

дегандек жуда оғир ботиши мумкин. Ҳўш, нима қилиш керак? Шақ-шубҳа йўқки, бош мураббий Рауф Инилевдан то ушбу масалага жиёл бўлса-да алқодор катта-ю кичкиннинг бошида бутун шу савол.

Ҳимояни қўчайтириш керак... Ҳужумга зўр бериш даркор. Энг қами уч кишини олдинги чизикқа ташлаш лозим...

Голландча тотал футбол намойиш



қилибгина мақсадга эришиш мумкин... Дарвозабон масаласини ҳам ўйлаб кўрмасак бўлмайди...

Дарвоқе, легионерларимизни тайёр-гарлик жаравнига бошқа ўйинчилар катори ўз вақтида жалб қилишнинг имкони топилармикан?...

Балки мураббийнинг... Йўқ, айнан шу жойда вазминлик курсатиб, яна бир оз дарёнинг оқшига қараб турган маъқул. Ҳа деса «сен у ёққа ўт, сен бу ёққа ўт» дейишнинг ҳосияти бўлмайди. Киши ўз ўрнида мустаҳкам эканлигини билсатгина, кўним топиб ишлайди. Йўқса қачон паттамини қўлимга беришаркин, деб эшик пойлаб ўтиради.

Демак, келишиб олдик. Ҳеч нарса ўзгармайди, айни вақтда жиддий ўзгариш ясашга тўри келади. Қандай бўлмасин, ютмасак бўлмайди. Мехмонда, яна қимсан Япония билан дўранг ҳам ёмон натижа эмас-у, ле-

## Мухлис минбари

# Майдон ҳам жанггоҳдек гап

Футболга меҳр турлича. Мунсабат-у йндошувлар ҳар хил. Бутун хайлини, ҳаётини футбол қамраб олган ҳамюртларимиз кўп. Шунингдек, футболга оддий ўйин сифатида қарайдиган, ундаги натижалардан таъсирланмайдиган иштиқозлар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистон-Австралия ўйинини томоша қилар эканман, бор вужудим, овозим билан жамоани қўллаб-қувватлаган муҳлисларни кўрдим. Ойна жаҳон олдиде эса миллионлаб юртдошларимиз жиддий рақиб устидан галабимизни интиқиб қўтишди. Йигитлардан Туркия терма жамоасининг Европа чемпионатидаги жасоратини сўрадик, мағлубиятга учрай туриб, тўплар киритишини кутдик. Аммо ундай бўлмади.

Австралия термаси голиб бўлгач, иштиқозлар томон яқинлашиб, таъзим қилишди. Халқимиз мард, Мехмонларни галаба билан таъбриклаб, улар шабнига қарсақлар қалишди. Футболчиларимизга қарайман. Баъзиларининг боши ерга эгилган, лекин аксарияти гўё ҳеч нарса бўлмаган-дек майдонни бамайлихотир тарк этишмоқда эди. Мен эса уларнинг ютказгани учун хи-жолдек тортишини, рақибни ёнголмагани учун муҳлислардан кечирим сўрашини кутганим.

Менимча, мураббийларимиз футболчилар онгига она Ватан, қадрдон юртга муҳаббат, бутун оиласи билан ойнаи жаҳонга умид кўзи билан тикилган миллионлаб муҳлислар турганини сингдирар олишмапти. Терма жамоа аъзолари ўйин олдидан мадҳиямизни айтишадими ёки фақат оғиз қимирлатиб туришадими, ҳеч жонли, табиий манзара кўрмаймиз.

Узимга қайта-қайта савол берман: футболчиларимизда ва-танпарварлик қанчалик кучли? Шўрчида маҳаллий «Шўрчи-Лочин» жамоасининг ўйинларини кузатиб туриб, шўрчилик йигитларга ҳавас қилдим. Оддий кишлоқнинг болалари иштиқозларнинг «Ҳа, баракхалла, отанга раҳмат! Шу бола бизнинг кишлоқдан, кўриб қўйинглар!» деган таърифи учун жонини бериб ўйнашарди.

Мени кечирасиз-у, термадаги баъзи ўйинчиларимиз, «Отанга раҳмат!» деган мактовнинг қанчалик қиммати баланглигини билишармикан?! Улар бепўён Ўзбекистон, унинг чексиз далалари, хушхаво тоғлари, меҳнатқар халқи, гўзал водийларига нисбатан қанчалик меҳрли? Шундай қилиш керакки, футболчилар халққа яқинлашсин. Ҳеч бир шубҳа йўқки, улар гоҳ-гоҳида ўзлари яшаган чекка-чекка кишлоқларга келиб, болалар билан учрашса ёки тўғрларда зилот булоқ сувини симириб ичмиса, ишқ билан тўю байрамларда халқ билан эртадан кечгача далада кетмон чапайган дехқоннинг меҳнатини кўришса, муҳлисларнинг чинакам меҳрини туйишса, ана ўшанда қуйидаги саволга жавоб излаб қолишадди: Она юртимиз меҳри, халқ ишончи ҳақки, нега жонини бериб

ўйнамаслигим керак? Ютказ-сак, эртага муҳлисларнинг юзига қандай қарайман? Мана, «Пахтакор» стадиони жаҳон андозаларига мослаб таъмирланди. Шаҳсан мамлакат Президенти футболни ривожлантириш учун бир неча қарорлар чиқариб, шароитлар яратилмоқда. Биз футболчиларга яна нима керак? Фақат чиройли ўйнаш ва галаба қозониш қолгачи-ку!

Туркия терма жамоаси устоз футболчиларини «уйғотиш», мағлубиятдан қутулиш учун улардан жон-жаҳди билан ўйнашни, керак бўлса, ялиниб, илтимос қилганини бутун дунё кўрди, эшитди. Сустакшиликнинг юки оғир. Мутасаддиларимиз ва мураббийларимиз шундай қилишсинки, футболчилар ўзларининг ким, қайси юрт фарзанди эканлигини англашсин. «Термага психолог-мураббий керакми?» деган савол туғилади. Унда руҳият бўлмаган инсонга минг кучли рухшўнос ҳам ҳеч нарса бера олмайди. Демак, орият, юртга меҳр, шу Ватан учун жонини бериш туйғуларни қолган барча нарсадан устун турсагина, натижа кўзга ташланади, футбол майдони ҳам жанггоҳга тенглашади. Шунинг учун аввало, маънавий юксалликка интилишимиз керак. Тарбияни болалар боғчаларидан, мактаблардан бошлашсақ, уларнинг онгига сингдирсак, кейин ҳақиқий Ватан ўғлонлари етишади. Футбол мактабларига келган болалардан дастлабки «Ватанинг қаер?», «Ватанингга нима қилиб бормоқчисан?» деган мавзудаги жиддий имтиҳонларни олиш керак. Фикри тиник фарзандларни тарбияласак, улардан яхши футболчилар тайёрласак, кейин бизни биров енгиб кўрсин-чи!

Хали имконият бор. Йигитларимизга ишонамиз. Улар ўзларининг нималарга қодир эканлини кўрсатишади.

Мустафо ЭРГАШЕВ  
Қарши шаҳри

ни зарядлаб, бўшашиб қолган мураватларини маҳкамлаб қўйсақ кифоя, манзилга етиб олишимиз қўйин кечмайди.

Мухлис ахли шунақа. Эрта-кеч эзгу ният билан, хамиша ишониб яшайди. Биз футболимизда ёрқин из қолдирган Геннадий Красниқий, Акмал Азизхўжаев, Лазиз Максудов, Биродар Абдураимов, Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Василе Хадзипангис, Миржалол Қосимов ва бошқа яна қўллаб қарм тўп усталаримизни жуда кўп эслаймиз ва алам-армон билан қўсамиз. Бу албатта, аввалдан уларнинг бетакор ўйинларига нисбатан самимий эътироф. Қолаверса, бунинг яна бир сабаби бор, у ҳам бўлса, уларнинг ишини мўносиб давом эттиришга қобил иқтидор эгаларининг биз истагандан камроқ эканлиги билан боғлиқдир.

Қўссадан ҳисса, мен ҳам чакимасман, мени ҳам бир қўриб қўйинг, деган ихобий маънодаги манманлигини амалда намойиш этишни чиндан-да истаган футболчиларимизни бусағада жуда-жуда яхши имконият кутмоқда. Бу Япония билан бўладиган учрашувда. Ана шу тўсиқдан ўтиб оласак, иншооллох, марра бизники.



Қаддинги тут, Нестеров!

Йигитлар, биз сизларга қараб турибмиз. Уялтириб қўймайсизлар, деган умидда ашаддий муҳлисларингиз номидан:  
Зайниддин РИХСИЕВ

**Муассис:**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

**Баш муҳаррир:**  
Абдуқолиқ Абдуразоқов

**Табрир ҳаг ати:**  
Айла БОЛЖЕНКОВА,  
Анвар ЮНУСОВ,  
Довуд МАДИЕВ  
(Баш муҳаррир о'ринбосари),  
Жаҳонгир ШАРОФОВЕВ  
(Mas'ul kotib),  
Ма'нурани АДИЛОВА,  
Мирзоид СОДИҚОВ,  
Нормамат АЙЛАЗОВОВ,  
Носирхон АҚБАРОВ,  
Оғсуллов НАФАСОВА,  
Пиримқул ҚОДИРОВ,  
Соғ'индиқ НИЙЕТУЛЛАЕВ,  
Шамси ЕСОНБОВЕВ

**Бо'лимлар:**  
Касба уюшмалари ҳаготи 258-87-83  
Нуқу ва халғар ҳагот 258-87-73  
Ўқитим-Ўқитисдиғ сўғосат 258-87-74  
Миллий-ма'навий қадриғатлар ва спорт 258-82-78  
Хатлар ва муҳаббат билан ишлаш 258-85-43  
Реқлама ва о'лонлар 258-83-88

**Манзилимиз:**  
100105,  
Тошконт шаҳри,  
«Ўзбекистон» ко'часи, 24-уғ  
E-mail:  
ishonch-doverie@mail.ru

**Нашр ко'рсаткичи:**  
133; 134

**Навбатчи муҳаррир:**  
А. Қодирова  
Навбатчи:  
А. Абдиев  
Муҳаббатчи:  
Н.Махамов

**Gazeta «Ishonch»ning komputery markazida terildi va sahifalandi.**  
Sahifalovchilar:  
H.Abdullajlov va  
Y.Mixaylovskiy

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida bosmaxonasida chop etildi.**  
Korxonа manzili:  
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Ўzbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tabriyriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**Tijorat materiallari**  
Bosishga topshiriш вақти - 21.00.  
Topshirildi - 22.20  
Буғюртага Г — 814  
11004 nusxada bosildi  
2 3 4 5 6 7 8